

КОЛХОЗ ТУЗУМИНИНГ БУЮК ТАНТАНАСИ

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 232 (4223).

СЕШАНБА 25 ноябрь 1969 йил.

Баҳоси 2 тийин.

КОММУНИЗМ МАКТАБИ

Бутун Ватанимиз пойтахти Москвада колхозчиларнинг Бутуниттифок III съезди очилди. Съезд қишлоқ хўжалиги артелининг янги намунаси Устави лойиҳасини муҳокама қилади. Колхозчилар съезди бутун совет халқи, она-Ватанимиз улуғ доҳиймиз В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигини нишонлашга қизгин тайёргарлик қўраётган тарихий ва унутилмас куниларда бўлиб ўтмоқда. Улуғ сана арафасида эришяётган ғалабаларимиз иссоният геинисининг таълимоти ва кўрсатмалари нақадар абдий, ҳаётини, қурашчан ва ғойиб таълимот эканлигини, партия ва халқимиз Ленин кўрсатиб берган йўлдан бориб, улкан зафарлар қўчаётганлигини кўрсатувчи ёрқин йўлчи колхоз эканлигини аниқ ва равшан ифодаси бўлмоқда.

В. И. Ленин Совет ҳокимияти барпо этилган биринчи кунлардаёқ олдиндан башорат қилиб, қишлоқ хўжалигини бундан сўнг ривожлантириш истиқболларини доҳиёна кўрсатиб берди. Майда, хусусий деҳқон хўжаликларида йирик коллектив хўжаликка ўтиш, — деган эди В. И. Ленин, — бу ҳаётини зарурият, қамбағалчиликдан қутқилишнинг ягона йўли, қишлоқни деҳқонларнинг манфаатларига мос келадиган қилиб социалистик ҳайта қуришнинг бирдан-бир йўли, деган эди. Улуғ доҳийнинг коллективлаштириш ва кооперативлаштириш ҳақидаги таълимоти мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида катта ва қудратли революцион ўзгаришлар ясади. Совет қишлоғи йирик социалистик хўжаликка ўтганлиги натижасида деҳқон ҳаётининг бутун укладидан ўзгариб кетди. Деҳқонлар ривожланиш, раванқ топиш ва порлоқ ҳаётининг катта йўлига чиқиб олдилар.

Коммунистик партия раҳбарлигида, мамлакатимиз халқларининг ленинча буюлмағ дўстлиги ва қардошларча ҳамкорлиги тантана қилганлиги туфайли республикамиз меҳнаткашлари хўжалик ва маданий қурилиш соҳасида катта муваффақиятларга эришмоқдалар. Агар 1924 йилда 209 минг тонна пахта етиштирилган бўлса, 1968 йилда 4 миллион тоннадан ортиқ пахта етиштирилди, яъни 20 барбардан ортиқ кўпидир. Пахта ҳосилдорлиги 7,8 центнердан 25 центнерга кўтарилди. Деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари, кўпроқ етиштирилмоқда. Қишлоқларимизда йирик хўжаликлар — колхозлар ва совхозлар ташкил топти. Деҳқонлар ҳаётида турли ўзгаришлар юз берди. Мана, булар ҳаммаси Ленин таълимотининг, Совет тузумининг, партия раҳбарлигининг, коллектив хўжалик афзалликлариининг ёрқин мисоллари.

Бутун оқилданган колхозчилар съездида ҳар бир деҳқон, қишлоқ меҳнатчиси, барча совет қишлоғи катта ғалабалар билан кесилди. Республикамиз дон, пилла, қорақўн тери, қаноп, сабзавот, шолди тайёрлаш планларини муддатидан илгари бажариб, Ҳозир пахта майдонда сўнгги тонналар учун умумхалқ кураши девон этмоқда. Пахта—халқларимиз ўртасидаги дўстлик, қардошлик алоқаларининг, интернационал ва ватанпарварлик муносабатлари ва фазилатларимизнинг буюк рамзи бўлганлиги учун ҳам ҳар бир меҳнаткашнинг қалби ва дили пахта билан жўш ўрмоқда, яшамоқда.

КПСС XXIII съезди, партиямиз Марказий Комитетининг Пленумлари қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини янада юксалтиришнинг янги йўллариини белгилаб берди. Бу тарихий ҳужжатлар коммунистик қурилишнинг бу муҳим соҳасига раҳбарлик қилиш методлари ва усулларини тубдан ўзгариштириш тақоза қилади. Янги вазифалар нуқтан назаридан қараганимизда колхозларнинг ҳозиргача амалда бўлган Устави олдимизда турган юксак талабларга жавоб бермай қолди. Колхозчиларнинг Бутуниттифок III съездида тақдир этилган янги Устав лойиҳаси ҳозирги талаблар ва бундан сўнгги тараққиёт истиқболларини ўз ичига олган.

Республикамиз, шу жумладан областимиз қишлоқ хўжалигида катта ўзгаришлар юз берган экан, бу—коллектив хўжалик самараси. Деҳқончилик ва чорвачилик йилдан-йил ривожланиб, маҳсулот етиштириш кўпайиб бораётган, колхозчи деҳқонлар ҳаётида, уларнинг турмушида қувончли воқеалар бўлаётган экан, янги социалистик қишлоқлар барпо этилаётган экан, бу—ленинча кооперативлаштириш ва коллективлаштириш буюк таълимотининг улкан зафаридир. Шунинг учун ҳам колхоз—колхозчилар учун коммунизм мактаби бўлиб қолди.

Катта анжуманга мамлакатимиздаги барча деҳқонлар сингари областимиз колхозчилари ҳам бирмунча ютуқлар билан келдилар. Дон, қаноп, сабзавот, полза экчилари маҳсулотлари ва бошқа деҳқончилик, чорвачилик маҳсулотлари етиштириб бериш планлари ошириб бажарилиди. Илгор колхоз ва совхозлар пахта тайёрлаш планларини адо этиб, мажбурийат ҳисобига «оқ олтин» топширмоқдалар. Бироқ ҳали кўпгина хўжаликлар ва районлар пахта тайёрлашда сўрғатчи бўлиштириб юбордилар. Бунинг натижасида не-не қийинчиликларни енгиб, пелона тери билан етиштирилган олтин дурдонамизнинг катта бир қисми тезда ётибди. Агар ҳосилнинг ҳаммаси ҳеч нобуд қилинмай, тезда йиғиштириб олинган бўлса, план ва мажбурийатимизни сўзсиз бажарамиз. Ассей вазифа бутун куч ва техника воситаларини сафарбар этиб, пахта тайёрлаш сўрғатини қучайтиришга қаратилмоғи лозим. Бу умумхалқ курашидан биронта киши ҳам четда қолмаслиги керак.

Колхозчиларнинг Бутуниттифок съездини, съездда қабул қилинадиган ғойи муҳим ҳужжатларини қишлоқ хўжалигини янада ривожлантиришга йўллагани зарур. Улуғ доҳиймиз В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигини социалистик мажбурийатларимизни тўла адо этиш билан, коммунизмнинг моддий-техника базасини яратиш ишига муносиб ҳисса қўшиш билан нишонлайлик!

КОЛХОЗНИНГ ЯНГИ НАМУНАВИЙ УСТАВИНИ ИШЛАБ ЧИҚУВЧИ ВА КОЛХОЗЧИЛАРНИНГ УЧИНЧИ БУТУН- ИТТИФОҚ СЪЕЗДИГА ТАЙЕРГАРЛИК ҚУРУВЧИ КОМИССИЯДА

Шу йил 24 ноябрда ўртоқ Л. И. Брежнев раислигида колхознинг янги намунавий Уставини ишлаб чиқувчи ва Колхозчиларнинг учинчи Бутуниттифок съездида тайёргарлик қурувчи комиссиянинг мажлиси бўлди.

Комиссия колхоз ва районларда ўтказилган йиғилишларда, колхозчиларнинг област, ўлка конференцияларида, республика съездларида ва матбуотда кенг муҳокама қилиб, Устав лойиҳасига доир мулоҳаза ва қўшимчаларни қараб чиқди.

Комиссия айтилган мулоҳазалар ва тақлифларни эътиборга олиб, колхознинг янги Намунавий Устави лойиҳасини Колхозчиларнинг учинчи Бутуниттифок съезди муҳокамасига қўйишга қарор берди.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАШИНАЛАРИ КЎРИГИ

СССР халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида қишлоқ хўжалик техникасининг кўриниши очилди. Колхозчиларнинг Бутуниттифок учинчи съездида бағишланган, ишчилар билан деҳқонларнинг иттиҳамлалиб бораётган иттифокнинг ёрқин кўриниши бўлган бу кўрик виставкадаги йиғирма тўрт минг квадрат метрдан кўпроқ жойини эгаллаган энг катта павильонда ўтказилмоқда.

ИЛҒОРЛАРГА КЎЧМА ҚИЗИЛ БАЙРОҚЛАР

Ўзбекистон КП область комитети, область икхрония комитети районлар, колхозлар ва совхозлар ўртасида давлатта пахта сотишнинг 1969 йил ноябрь ойининг иккинчи ўн кунлиги якулиларини кўриб чиқиб қарор қиладилар.

Область партия комитети ва область икхрония комитетининг кўчма Қизил байроғи Оржоникидзе райони (район партия комитетининг секретари Қирғизбоев, район икхрония комитетининг раиси Қосимов, район қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи Ғуломов, район комсомол комитетининг секретари Тўрақонов, «Узсельхозтехника» район бirlашмасининг бошқарувчиси Кан Ги Ен ўртоқлар) берилди. Бу район йиллик пахта тайёрлаш планини 83,48 процент миқдорда бажарган, машинада пахта териш плани 47 процентга етказилган, ноябрнинг иккинчи ўн кунлигида 12,18 процент миқдорда пахта тайёрлаш таъминланган.

Байроқ Юқори Чирчиқ районидан олиб берилди.



ПЕШҚАДАМЛАР РАПОРТИ

Янгийўл районидан яна иккита рапорт келди. Уларнинг бирини «Интернационал» колхоз раҳбарлари, иккинчисига «Қизил Октябрь» колхоз раҳбарлари қўл қўйишган.

«ИНТЕРНАЦИОНАЛ» колхознинг аъзолари далада фидокорона меҳнат қилиб, бу йилги об-ҳаво қийинчиликларини енгиш учун мардонавор кўрашиб, Чирчиқ дарёси бўйидаги тошлоқ ерларда мул ҳосил етиштиришга ва ун сира нобуд қилмай йиғиб-териб олишга, йиллик плани муваффақиятли бажаришга эришдилар. Давлат обдорларига бу хўжалик мул жалдади—3050 тонна ўринта 3056 тоннадан ортиқ пахта топширишга 21,92 процент бажарган.

Кўчма Қизил байроқ шу райондаги «Озод» колхозидан олиб берилди.

Область молия бўлими (ўртоқ Эдигебова)га пахта териш ва тайёрлашда актив қатнашган илғорларни мукофотлаш учун Оржоникидзе райони 300 сўм, «Оққўрғон» совхозига 100 сўм пул ажратиш топширилсин.

Область матлубот жамияти (ўртоқ Расулова)га йиғим-терим илғорларига бериш учун Оржоникидзе райони 300 сўм, «Оққўрғон» совхозига 100 сўм пул ажратиш топширилсин.

«ҚИЗИЛ ОКТЯБРЬ» колхозда йиллик план тўлганлиги тўғрисида рапорт берилган қуни давлат омборига 2350 тонна пахта сотилган эди. Бу хўжалик ҳар гектар ердан 28 центнердан пахта йиғиб олди ва улар давлатга 60 тонна пахта сотиш юзасидан мажбурийат қабул қилдилар.

Оққўрғон районидан ҚА.М.ИД ОЛИМЖОН номли колхоз аъзолари эришган ютуқ кишини қўвонтиради. Бу колхоздан давлатга 2250 тонна «оқ олтин» юнатилади.

Ҳанид Олимжон номли колхоз аъзолари давлатга яна 300 тонна пахта етказиб бериш учун аҳд қилган эканлар, улар ўз сўзларининг устидан чиқиб центнердан ҳосил йиғиб олди, учун шу кунларда йиғим-терим ишларини қизгин давом эттирмоқдалар.

356.000

ОБЛАСТИМИЗ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА
ТАЙЕРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА
24 НОЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

Биринчи сўм — районлар, иккинчи сўм — бир кунда, учинчи сўм — мавсум бошидан бери, тўртинчи сўм — бир кунда машинада терилган, бешинчи сўм — мавсум бошидан буйи машинада терилган.

Оққўрғон	1,00	98,44	0,19	77,84
Янгийўл	0,78	96,15	—	52,12
Оржоникидзе	1,30	88,24	—	27,50
Юқори Чирчиқ	1,24	82,15	—	46,63
Ўрта Чирчиқ	0,80	79,26	—	46,91
Бекобод	0,83	70,01	0,02	32,55
Бўка	0,83	67,34	—	34,87
Область бўйича	0,89	82,90	0,06	51,34

тонна ўтин



Суратда: Тошкент облаstdан. Колхозчиларнинг Бутуниттифок III съездида сайланган делегатларнинг бир группаси.

Н. Тўраев фотоси.

Ҳасиз. Э. УСМОНОВ.

А. Абалян фотоси.



МОСКВА
ОЛИМПИАДАГА
ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

1976 йилги XXI олимпиада ўйинларини ўтказиш ҳусусида ўп таклифлар тушмоқда. Мекинодан сўнг Халқаро олимпиада комитетига Монреаль (Канада), Лос-Анжелес (АҚШ), Флоренция (Италия) олимпиадани ташкил этиш учун ариза берди. Жаҳон спортчиларининг энг катта форумининг Ватанимиз пойтахти — Москвада ўтказишга ҳам таклиф тушди. Москва шаҳар Совети ироида комитети қабул қилган бу таклифни СССР Олимпиада комитети ҳам қўллаб-қувватлади.

ГРОССМЕЙСТЕР
МАҒЛУБИЯТГА
УЧРАМОҚДА

Пойтахтимизда СССР команди биринчилиги мусобақалари давом этмоқда. Турнирнинг биринчи кунини ўзбекистон шахматчилари Молдавия командаси билан ўтказди. Тошкентлик мастер-линка кандидат С. Пинчук гроссмейстер А. Лутиков билан беллашди. Бу учрашувда тақрибани меҳмон юнсақ тактик маҳоратини намойиш қилиб, галабага эришди. Амо бошқа тахталарда ҳамшаҳарларнинг муваффақиятга эришди. Жумладан, Г. Борисенко, Е. Мухин, Г. Аззамов команданинг мусулмон оқимлар еттиришди. Умумий ҳисоб ўзбекистон командаси фойдасига 7:5 бўлиб туғди.

Мусобақанинг иккинчи турда Эстониянинг кучли номандаси билан беллашувга тўғри келди. Ўзбек шахматчилари бу учрашувни ҳам дуруст бошлади. Биринчи тахтада республикамиз чемпиони С. Пинчук машхур гроссмейстер П. Керес билан дураг қилишга муваффақ бўлди. Мастер Г. Борисенко халқаро мастер И. Ней устидан галаба юзотди. Шунингдек, Е. Мухин, Г. Аззамов ҳам рақибларини усталик билан таслим этдилар. Тўрт учрашув дураг бўлиб туғди. Фақатгина Л. Викарева мағлуб бўлди. Уч ўйин нечиқтирилди. Хозирча ҳисоб ўзбекистон командаси фойдасига 5:3,5 бўлиб турибди.

Амо Арманистон командаси билан бўлган учинчи тур мусобақасида ўзбек шахматчиларининг омади келмади. Бу турда хозирча ҳисоб 2:5. Қолган беш парти-

да гарчи ақволини бирмунча яхшилаш мумкин бўлса-да, қимматли очколар бой берилди. Турнирда шов-шувга сабаб бўлган бир ўйинни эслатиб ўтиш керак. Гроссмейстер П. Керес турнирда иккинчи ўйини ўтказди. Кудришовага ютказиб қўйди.

Уч турдан сўнг Арманистон шахматчилари олдинда боришмоқда. Улар 17,5 очко қўлга киритишди (5 партия нечиқтирилган). Улардан сўнг Қирғизистон — 17,5 (3), Молдавия — 15 (3), Ўзбекистон — 14,5 (8), Токионистон — 13,5 (4), Эстония — 12,5 (14), Литва — 12,5 (12), Туркменистон — 12,5 (9) очкога эга. Мусобақалар давом этмоқда.

ФУТБОЛ
МАЙДОНЛАРИДА

«Пахтакор» футболчилари Кубадаги биринчи учрашувни галаба билан янгилади. Улар Куба терма командасини 3:1 ҳисобида енгидилар.

«Динамо» (Киев) — «Динамо» (Тбилиси) ўртасидаги мамлакат биринчилиги учрашуви 2:2 ҳисобида дураг бўлиб туғди.

Италия футболчилари ГДР терма командасини 3:0 ҳисобида енгиб, Мексиканга йўлланма олдилар.



ҚАЛАМКАШЛАР
АНЖУМАНИ

Инқилоб доҳиси Владимир Ильич Ленин туғилган кунининг 100 йиллик тантаналари тобора яқинлашиб келмоқда. Шу муносабат билан мамлакатимизнинг турли шаҳар ва республикаларида инқилоб қалам аҳллариининг йилликлари бўлиб ўтати. Бундай йилликларда асосан Ленин туғилган кунга қандай тайёргарлик олиб борилаётгани, доҳий фаолиятининг адабидеда ёритилиши ҳақида фикр алмашишмоқда.

лардан бири Тошкентда ўз ишнини бошлади. Бу анжуманда Ўрта Осиё, Қозғистон, Татаристон ва Бошқирдистон республикаларининг қалам соҳиблари иштирок этдилар. Бу йилгида қўрилдиган муҳомама этилди. Мамлакатимизда «Ленин ва Шарқ халқлари маданияти» мавзусида бўлади. Шунингдек, турли республикалардан келган ёзувчиларнинг, адабиётшунос олимларнинг маърузалари тингланади.

Анжуманда «Литературная газета» бош муҳаррирининг ўринбосари З. Ю. Кривцый, шунингдек адабий ходими В. С. Турбин, Горький номидаги жаҳон адабиёт институтининг ўқитувчиси В. М. Пискунов, туркменистонлик Х. Деряев, қорақалпоғистонлик И. Юсупов, бошқирдистонлик А. И. Харисов, татаристонлик Г. Қашшоф, қирғизистонлик П. Қамов, тожикистонлик О. Сайфуллаев, қозғистонлик М. Қоратоев каби адиб ва адабиётшунос олимлар иштирок этдилар. Бу йилгида республикамизнинг 60 дан ортиқ ёзувчи ва олим қатнашди. Анжуман тўрт кун давом этади.

ХУШХАБАРЛАР,
ЯНГИЛИКЛАР

МОСКВА УЙЛАРИ

Пойтахтимизнинг Пушкин кўчасида тузилиб турган тўққиз қаватли кўркем турар-жой бинолари ҳадемай тошкентликларини ўз бағрига олади. Уччала бино ҳам москваликлар қўли билан бунёд этилган. Хозирги кунда биноларнинг сув, газ канализация тармоқлари синовдан ўтказилган. Синов тугаланиши билан квартиралар калити меҳнаткашлар қўлига топширилади.

Москвалик қардошларимиз Тошкентда табиий офат руй берган дастлабки кезлардаёқ ёрдамга олганлар эдилар. Утган қисқа муддат ичида улар шахар марказида ва Чилонзор массивида 230 минг квадрат метр турар-жой бинолари бунёд этдилар. Хозирги кунда 1 Май кўчасида қад кўтарган тўққиз қаватли янги бинода ҳам пардозлаш ишлари олиб боришмоқда. Бу улкан иморатларнинг ҳар бири 231 оналга мўлжалланган.

«Главмосстройга» қарашли 177-курйиш бошқармаси азаматларини кўраётган бу биноларнинг биринчи қавати магазин ва ошхонага ажратилган.

ҲАВАСКОРЛАР ПАХТАКОРЛАР

ХИЗМАТИДА

Пахта йигим-терими бошланган дастлабки кунлардаёқ, қўлгина корхоналарнинг бадиий ҳаваскорлари дала шийлонларига чиқиб, концертлар бера бошлаган эдилар.

Чалов номидаги Тошкент авиация заводининг «Восток» концерт бригадаси яқинда Бўка пахтакорлари меҳмони бўлди. Бригада бу ерга совет композиторларининг музыка асарларини олиб келишган эди. Улар жиро этган куй ва қўшқилар пахтакорларда катта таассурот қолдирди.

Тошкент консерваторияси студентлари эса махсус бригадага бирлашиб, республикамизнинг бошқа областларида бўлишди. Улар бир неча ҳафта давомиде пахтакорларга маданий хизмат кўрсатишди.

Реклама
ВА
Глобалар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

12.55 даг — Москва кўрсатади.

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

17.55 — Кўрсатувлар программаси.

Рус тилида: 18.00 — Телеингиллар, 18.15 — «Гор кишилари», Мультифильм, 18.35 — Тўп-мўйин — умумхалқ курйиши, 18.50 — «Ана-уна Карамзювлар» (бадиий фильмнинг 3-серияси), 20.10 — Кўрсатувлар программаси ва реалма.

Ўзбек тилида: 20.20 — Ун минут музыка, 20.30 — Телеингиллар, 20.45 — «Сиҳат-саломатлик», Илмий-оммабоп программа, 21.25 — Кинолениннома, «Ленин ва Ленинград», 21.55 — Пахта терими кундалиги, 22.05 — Телевизон новеллалар театри, Иези Хантер, «Ертўладаги олишув».

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

ЎҚУВ КЎРСАТУВЛАРИ

ПРОГРАММАСИ

18.00 — 10-синф ўқувчилари учун адабиётдан «Жангчи Турсун балладаси».

Рус тилида: 18.30 — 10-синф ўқувчилари учун адабиётдан. В. Маликовнинг сатиралари, 19.00 — 9-синф ўқувчилари учун эстетика асослари бўйича факультатив курсдан. «Хайда ва саньада қаҳрамонлиги ва фожиавийлиги», 19.30 — 10-синф ўқувчилари учун физикадан. «Ҷрим ўтказгичлар ва уларнинг қўлланилиши», Ўқув фильми.

19.55 даг — Москва кўрсатади.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Ўзбек тилида: 20.00 — Симфония оркестр чоғлу асбоблари, «Труба».

Рус тилида: 20.40 — «Шундоқ эш университет», Илмий-оммабоп фильм, 21.00 — «Оқибат» (бадиий фильм).

ТЕАТР

НАВОНИ НОМЛИ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРДА — 25/ХI да Марварид изловчилар, 26/ХI да Етти баҳорид ва ўлик малика ҳақида эртан.

ҲАМЗА НОМЛИ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 25/ХI да Аялларнинг, 26/ХI да Бой ила хизматчи.

МУҶИМНИЯ НОМЛИ ТЕАТРДА — 26/ХI да Кумуш тўй.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — Йиртич ҳайвонлар аттракциони.

КИНО

Анжелика — фаришталар маркази — САНЪАТ САРОИИ, «ЧАЙКА», «СПУТНИК», «КОСМО-МОЛ 30 ИЛЛИГИ», «ВОСТОК», «МОСКВА», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ИЛЛИГИ» (кундуз ва кечкурун).

Эрлар командировнада — «ДРУЖБА», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ИЛЛИГИ» (кундуз ва кечкурун). Шанткелер маликаси — «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечкурун).

Менинг ҳаётимсан (Ўзбек тилида) — НАВОНИ номли (кундуз ва кечкурун).

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА (Киров кўчаси, 11)

СОВЕТ ЦИРКИНИНГ 50 ИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ЮБИЛЕЙ ПРОГРАММАСИ

«КУЛБАС ВА СИРТЛОЛАР» АТТРАКЦИОНИ

Ургатувчи — Вутунтиффон курйи лауреати Виктор ТИХОНОВ.

Айни, овчарка ва қотосларнинг экзотик аттракциони. Ургатувчи — Виталий ТИХОНОВ.

Танқиди масҳараболар РОХШТЕЙН ВА СУВОРОВ қатнашдилар.

Томошалар неч соат 8 да бошланади.

Шанба кунлари икки марта кундуз соат 3 ва неч 8 да, яшанба кунини тўрт марта кундуз 12.35 ва неч 8 да томоша кўрсатилади.

Олдиндан билет сотиш касасаси очик.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЗИҚ
ОВҚАТ САНОАТИ МИНИСТРЛИГИ
БОШҚАРМА ВА ТРЕСТЛАРИДА
ИШЛАШ УЧУН

молия ва нарх-наво бўлими интисодисчи, таъминот ишлари билан таъин бўлган катта инженер, секретарь-стенографистка ва машинистка, катта инженер (виночилик бўйича инженер-механик ёки инженер-технолог), катта бухгалтер-ревизор, қон шом бўйича бош агроном, трест таъминот бўлими бошлиги ва бухгалтерлар

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Баранов кўчаси, 40-уй.

Ўзбекистон Компартияси Марказия Комитети нашриятининг босмаханаси, Тошкент шаҳри.

Б. 2416. ИНДЕКС — 6468 Р — 03563

Дунё хабарлари

МАМЛАКАТЛАР
ОДАМЛАР
ВОҚЕАЛАР

ҲИНДИСТОНДАН ХАБАРЛАР

ДЕХЛИ. (ТАСС). Бош министр Индира Ганди Ҳиндистон миллий конгресси Умум-хиндистон комитетининг фавқуллода сессиясида 22 ноябрда сўзлаган нутқида, мен «партияни халққа яқинлаштириш, уни тиклаш ва қўлайиштириш» учун ҳамма чораларни қўраман, деди. Биз, деб таъкидлади бош министр, мамлакатда социал ва иқтисодий ислохотларни амалга ошириш зарур эканлигини жуда яхши билимиз.

Индира Ганди ўнг гуруҳининг уришишлари барбод бўлганлигини айтиди. У Ҳиндистон миллий конгресси аъзоларини «янада маҳкам жипслаштириш, халқ ва мамлакат манфаатлари йўлидаги ишларини қўлайиштиришга даъват этди.

Ҳиндистон миллий конгресси Умум-хиндистон комитети сессиясининг қатнашчилари 23 ноябрда партиянинг соғиқ раиси Нихалингаппа бошчилигидаги комитетнинг 11 аъзосини партия ишчи комитетининг саставидан чиқардилар. Улар Индира Ганди бошчилигидаги ҳу-

куматнинг йўлига қарши кураш олиб борган эдилар. Партия ишчи комитетининг янги састави сайланди. Комитет саставига партия раиси Ч. Субраманиам, бош министр Индира Ганди ва бошқалар кирди.

Индира Ганди комитетнинг сессиясида сўзлаган нутқида, Ҳиндистон ҳукумати социалистик типдаги жамият қуриш саставини амалга ошираверди, деб уқтирди. Ганди ҳукумат томонидан белгиланган тадбирлардан: бойликларнинг монополиялар қўлига ўтганини чеклаш, халқнинг турмуш даражасини ошириш, ишсизликка қарши кураш олиб бориш кереклигини амалга ошириш

тадбирларини кўрсатиб ўтди.

ДЕХЛИ. 22 ноябрь. (ТАСС). Ҳукумат Ҳиндистон миллий конгресси партиясининг раҳбар органи бутун Ҳиндистон ироида комитетининг бутун бу ерда очилган сессиясида Нихалингаппа ўрнига партиянинг янги раисини сайлаш тўғрисида қарор қабул қилди. Бу тўғрисида қарорни дейилди, ПТИ агентлигининг хабарига, Индира Ганди ҳукуматига қарши ҳаракатлар қилганлиги ва мамлакатда прогресс ўзгаришларни амалга ошириш йўлига қарши чиққанлиги учун Нихалингаппани қораллаган сессия қатнашчилари яқиндалик билан қабул қилдилар.

ПРОБЛЕМА

лиги сабабли бутун Ливорнода умумийлиги кенгаш очилди. Италияда мактаблар қуриш проблемаси, уй-жой проблемаси сира кечиктириб бўлмайдиган проблемалардан бири бўлиб қолди.

МИСТЕР ХИЛИНИНГ САВОҒИ

Буюк Британия мудофаа министри Хили лейбористлар партиясининг ҳафталик журналин «Социалист комментари»нинг илтимосига биноан Брайтондаги митингларнинг бирда нутқ сўзлади. Министр ўз нутқида Ғарбий Европа учун унинг таъбири билан айтганда, «кейинги ўн йилда ҳаёт ва ўлим масаласига» тўхталиб ўтди.

Мистер Хили континентнинг ҳаёти ва ўлими тўғрисидаги масалани қай залда ҳис этарики?

Инглиз министри Ғарбий Европанинг ҳаётини ҳарбий тайёргарликларсиз сира ҳам қўз олдида келтирмоқдади. «Англияда бизга ва Европада бизнинг дўстларимизга, — деб муҳомама қилди у, — «умумий бозор» аъзолигига Англиянинг қабул қилинишини талаб қилиб уришишга ҳозирча ҳолат жуда кам деса бўлади... «Умумий бозор» масаласи фақат турмуш даражаси тўғрисидаги масаланинг ўзидангина иборат. Хозирги аснода эса, сийёс ва ҳарбий масалалар энг ҳаётини проблемалар. — Шундай экан биз аввало омон қоллишимизни ўйламоғимиз керак...».

Бу масалаларда мистер Хилининг фикрича, эндиликда Ғарбга «мустаҳкам бирликини таъминлаш учун» ҳеч қандай нарса ҳалақат бермаслиги керак. «Мен, — дейди Хили, — келажакдаги ҳамма ишлар мудофаага боғлиқ деб, ҳисоблайман».

Демак, на «катта ёки кичик» Европадаги иқтисодий ҳамкорликлар, на халқаро кесиндиклик юмшатиш ва халқларнинг ўзаро бир-бирларини тушунишларини йўлга қўйиш Хилининг келажакни белгилай олмайди.

Табиийки, Хили Атлантик блокнинг энг ашаддий тарафдорларидандир. Шунинг учун ҳам хозирги ва келажак ўн йилликдаги ҳаётни НАТОсиз тасаввур эталмайди. Унинг таъбири билан айтганда, бу блок «алмаштириб бўлмайдиган, ноёб ташкилот»дир. Чунки, фақат ана шу ташкилотнинг қўмаги билан Европада урушининг

олдини олиш, шунингдек бу ишга ўз ҳиссасини қўшмоқ учун Ғарбий Германияга имконият яратиб бериш мумкин бўлармиз. Хили жаноби олийларининг фикрларига кўра НАТО ўз фойдасига билан «кейинги ўн йил ичида ўтган икки ўн йилликдаги қараганда тағин ҳам муҳиром роль» ўйнармиз. Лекин, Ғарбий Европада ишончли ҳаётни таъминлашга, Хилининг тушунишча, НАТОнинг ҳам қуввати келмайди. Агар ҳамма нарса унинг хоҳишига бўйсунмадиган бўлса, у ана шу тошкентли тағин ҳам қўчайтирган. «Хавфсизликнинг энг муҳим ва ишончли системасига айлантириш бўларди. Жаноб Хили бу фикрлари би-

нонлар билан НАТОга аъзо бўлган ҳамма давлатларни ўзаро бирлаштирувчи алоқаларни жуда-жуда озу қилади. Бу алоқалар Атлантик штабда айтилганидек, биргаликдаги «мудофаа»га асосланмоғи керак.

Жаноб Хилининг «бирлаштирувчи алоқалар»нинг саставида ниялар яшириниб ётганлиги кўпчиликка аён. Бунда Англиядаги империалистик доиралар томонидан азалдан илгар сурлиб келинган ғарзлик иштилошлар бор. Бу эса, Ғарбий Европа ҳарбий иттифоқида бошчилик қилишга интилишдир. Хили Ғарбий Европа халқларига хозирги пайтда АҚШ сарф қилаётган ҳарбий харажатларини ўз устига олишини суретларча тақлиф қилмоқда. Англия мудофаа министрининг бу хатти-ҳаракатлари унинг эър бериб қуролланишни авж олдиришининг ашаддий тарафдори эканлигини очикдан-очик намойиш қилади.

Келтирилган бу манзариладан аққол кўришиб турибдики, жаноб Хили тақлиф қилаётган Ғарбий Европа ҳаёт-мамоти ўлим билан баббарвардир, бу зулматдаги ҳаётдир, уруш, ўлим хавф-хатарни рўпарасидаги бесаранжом ҳаётдир. Хили Европанинг келажакни фақат милитаризм саставини, шунингдек эър бериб қуролланиш саставини давом эттиришдан иборат, деб билади.


Бу ҳаётта ва ўлимга олиб борувчи йўлларнинг тафовутини бир-бирдан ажратолмайдиган тентакнинг фикрлари эмасмикин?

Ю. НИКОЛАЕВ, АПН шарҳловчиси.

ХАЛҚАРО
МАВЗУДА

дан Европада коллектив ҳавфсизлик системасини, Ғарб ва Шарқдаги барча Европа мамлакатларини ўз ичига олган ҳавфсизлик системасини яратиш тўғрисида асло баш қотирайтгани йўқ, албатта. Агар у ана шу ҳавфсизлик системасини тўғрисида ўйлаганда эди, чиндан ҳам хозирги пайтда Европада шу кунгача эришиб бўлмаётган энг зарур нарса — халқларда ҳавфсизликка нисбатан ишонч билан қараш ҳис-туйғуси мустаҳкамланган бўларди. Хили бу борада Европанинф иттифоқининг йўлига тортади, у бирлик йўлидан боришни аслида сира истамайди.

«Агар биз, — деб давом этади Хили, — НАТОнинг Европа территориясидаги аъзолари билан мудофаа масаласида ўзаро жуда яқин ҳамкорликка эриша олсак, бу билан биз гоьтада мустаҳкам сийёс бирликини қўлга кирита олган бўлардик». Хили Ғарбий Европа



КУБА РЕСПУБЛИКАСИ

Касп-Аралдар ташландинг ҳисобланган Саната яриш ороли эндиликда меҳнаткашларнинг маданий ҳордиқ чинариш жойига айланди. Бу ерда дам олувчилар учун барча шарт-шароитлар яратиб берилган. Ресторан, озик-овқат ва саноат магазинлари, шунингдек маданий-маиший бинолар бу ерликлар хизматига бўлмоқда. Суратда: Лагуна де Тесорро кўлида дам олиш учун мослаштирилган жойини қўриб турибсиз.

С. Преображенский

фотоси, (ТАСС).

ТАШКЕНТ